

## ХИТОЙНИНГ ЗАМОНАВИЙ ДУНЁДАГИ ЎРНИ



<https://doi.org/10.24412/2181-1784-2025-26-706-711>

С.ф.н., доц. И.Н.Бекмуратов

**Аннотация:** Мақолада ХХРнинг пандемиядан кейинги дунёдаги роли ва халқаро муносабатлардаги ўрни таҳлил қилинади. Хитойда ўтган икки сиёсий тадбир — Бутунхитой халқ вакиллари съезди ҳамда Бутунхитой халқ сиёсий маслаҳатлар кенгаши сессиялари мазмуни ёритилиб, уларнинг глобал аҳамияти кўрсатилади. Хорижий ва хитойлик экспертлар фикрлари асосида Хитойнинг иқтисодий тикланиш, АҚШ билан муносабатлар, глобаллашув, ҳамкорлик ва хавфсизлик масалаларидаги сиёсатлари таҳлил этилган. Муаллиф Хитойнинг халқаро ташиқлотлар ва минтақавий давлатлар билан муносабатлари орқали унинг глобал таъсири кучайиб бораётганини қайд этади.

**Калим сўзлар:** Хитой, пандемиядан кейинги дунё, иқтисодий тикланиш, халқаро муносабатлар, АҚШ–Хитой муносабатлари, глобаллашув.

**Annotation:** The article analyzes the role of the People's Republic of China in the post-pandemic world and its place in international relations. It highlights the significance of two major political events in China — the National People's Congress and the Chinese People's Political Consultative Conference — and their global implications. Based on the views of Chinese and foreign experts, the study examines China's policies in economic recovery, relations with the United States, globalization, cooperation, and security. The author concludes that China's growing influence is reflected in its international initiatives, regional partnerships, and collaboration with global organizations.

**Key words:** China, post-pandemic world, economic recovery, international relations, USA–China relations, globalization.

Кишилиқ ҳамжамияти дунёни ларзага солган коронавирус билан боғлиқ пандемия оқибатида юзага келган инқироз шароитида ХХР да май ойида ўтказилган иккита (Бутунхитой халқ вакиллари съезди ҳамда олий маслаҳат органи бўлмиш Бутунхитой халқ сиёсий маслаҳатлар кенгаши)нинг навбатдаги сессиялари дунёнинг марказ эътиборида бўлди. Маълумки, иккинчи жаҳон урушидан кейинги инсоният бошига тушган энг оғир кулфат бўлмиш коронавирус эпидемияси Хитойда барчадан аввал пайдо бўлган бўлиб, уни биринчилардан бартараф қилишга эришган мамлакат ҳисобланади.

Пандемиядан кейин дунё қандай тараққий этади? Дунё тартиботлари қандай ўзгариши мумкин? Қандай янги куч марказлари пайдо бўлиши мумкин? Каби саволлар бугун кўпчиликни қизиқтириб келаётганлиги ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу масалада дунёда машҳур бўлган Foreign Policy журнали томонидан ўтказилган сўровномада Европа ва Американинг таниқли олимлари иштирок этиб, ўзларининг фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашган эди. Биз ҳам аввалги “Взгляд китайских экспертов на мир после пандемии” номли мақоламизда хитой экспертларининг қарашларини таҳлил қилишга уринган эдик.

Дунёда энг катта иқтисодий кучга эга бўлган АҚШ пандемия шароитида ўзи билан ўзи оввора бўлиб қолган бир пайтда, иккинчи иқтисодий кучни қўлга киритган Хитойнинг янги дунё сиёсатидаги ўрни кўпчиликнинг эътиборини тортмоқда. Шу маънода Хитойда бўлиб ўтаётган мазкур сиёсий тадбирлар дунё ҳамжамиятининг диққат эътиборида бўлиб турибди. Пандемиядан кейинги даврда дунё тартиботларининг шаклланиши Хитойнинг роли билан боғлиқ бўлганлиги сабаб, Хитойдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар доимо инсониятнинг эътиборини ўзига торттиб келмоқда.

Юқори даражада ўтказилган мазкур сиёсий тадбирларда қанақа масалалар кўрилди? Хитой сиёсати бундан кейин қандай тараққий этиши мумкин? Унинг халқаро муносабатлардаги ўрни қандай бўлади? ва бошқа шу каби масалалар дунё экспертларининг диққат марказида бўлиб, баъзиларига тўхталиб ўтамиз:

Жанубий Корея Тан Кук университети проф. Цзинь Чжэньхао: «Эпидемиядан кейин Хитой соғлиқни сақлаш соҳасида ўзининг хавфсизлик тизимини мустаҳкамлаш, иқтисодини тиклаш ва ривожлантириш ҳамда келажакда бундай инқирозларга қарши курашиш каби масалалар мазкур иккита сессияда ўз ечимини топади» - деган фикрларни илгари сурган бўлса, Париж университети проф. Пьер Пикар эса ҳар икки сиёсий тадбирнинг асосий мақсади мамлакат иқтисодини қайта тиклашга қаратилган бўлиб, дунё эътибори сессияларда бериладиган иқтисодий кўрсаткичларга қаратилади» деб башорат қилган эди. Буюк Британия Дарема университети проф. Го Цзе: «Иккита сессиянинг қарорлари келажакда Хитой тараққиётининг қайси йўналишда тараққий этиб боришини белгилаб беради ва у ўз навбатида дунё иқтисодий тузумига ўз таъсирини кўрсатади» деб башорат қилади. Германия ташқи савдо ва иқтисодий тараққиёт ассоциацияси раиси Михаэль Шуман эса Германия эпидемияга қарши кураш услубларини Хитойдан ўрганганлиги ва маълум ютуқларга эришилганлиги, бундан кейин Хитойнинг мамлакат иқтисодини тиклаш борасидаги чора-тадбирлари Германия учун муҳимлигига

алоҳида тўхталиб ўтади. Шу ўринда Россиянинг Хитойдаги элчиси Андрей Денисовнинг: “Бир вақтнинг ўзида иккита сессиянинг иш бошлаши мумкинлиги ҳақидаги қарорнинг қабул қилиниши дунёда энг кўп аҳолига эга бўлган, коронавирус ҳужумини биринчилардан қабул қилиб, бугунда ижтимоий аҳволи тобора яхшиланиб бораётган Хитойнинг ўзи учун, шунингдек бутун дунё учун муҳим хабардир” - деган фикрлари муҳим аҳамият касб этади.

Россия-Хитой савдо-иқтисодий ҳамкорлик маркази раиси Сергей Санаковнинг фикрича, бир томондан, сиёсий тадбирларда қабул қилинадиган иқтисодий кўрсаткичлар келажакда дунёдаги иқтисодий аҳволни таҳлил қилишда муҳим аҳамият касб этса, иккинчи томондан, ХХР ва АҚШ ўртасида юзага келган вазиятга Хитойнинг муносабати масаласи халқаро ҳамжамиятда ташвиш уйғотмоқда” дейилади. Бутунхитой сиёсий маслаҳатлар кенгаши аъзоси, таниқли эксперт Хуан Пиннинг фикрига кўра: “Хитой бундан буён ожиз ва камбағал мамлакат эмас, аллақачон иккинчи иқтисодий кучга эга бўлган ноғарбий мамлакатга айланган бўлиб, бугунги дунё тартиботларининг шаклланишида муҳим рол уйнайди.

Шундай экан Хитойнинг мазкур сиёсий тадбирларида кўриб ўтилган қуйидаги ички ва ташқи сиёсатлардаги ёндашувларга қисман тўхталиб ўтамиз:

**ХХРнинг эпидемияга қарши курашдаги ўрнига тўхталиб,** ХХІ асрда дунё бир бири билан чамбарчас боғланган бўлиб, инсонлар ягона бир планетада истеъкомат қилишади ва уларни умумий келажак боғлаб туради. Вирус чегара ва миллат танламайди, бутун инсониятга хавф солмоқда. Қўшнининг кулфати албатта атрофдаги барча мамлакатларнинг кулфати бўлиб, бир-бирига таъсирсиз қолмайди. Ҳар қандай хавф-хатарга қарши курашишнинг илмий асоси бўлиши керак. Мамлакатларнинг сиёсий тизими қандай бўлишидан қатъий назар инсониятнинг ягона тақдирга эга бўлган ҳамжамиятини шакллантиришда географик, этник, маданий тарихий хилма-хилликларни енгиб ўтмоқ керак. Шу тариқа ер шарини асраб қолиш мумкин, дейилади.

**ХХР- АҚШ муносабатлари борасида эса** АҚШ да коронавирусдан ташқари сиёсий вирус ҳам авж олмоқда, -деган фикрлар илгари сурилади. Бу ерда, албатта, Хитойга нисбатан кўрсатилаётган айблов ҳақида гап кетади. Узоқ йиллар мобайнида ХХР ва АҚШ ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик узоқ йиллар давомида ҳар иккала мамлакатга фақат фойда олиб келган бўлса, кейинги йиллардаги ўзаро келишмовчилик эса ҳар икки мамлакат учун ҳам иқтисодий ҳам сиёсий жихатидан ўта катта талофатлар келтирмоқда.

Тўғри, ижтимоий тузумлар ҳар хил, бу ҳар икки малакат халқларининг танлаган йўли бўлиб, ушбу танловлар бошқалар томонидан ҳурмат қилиниши лозим. Давлатларнинг мавжуд муоммоларга қарашлари ҳар хил бўлганда ҳам ҳар икки мамлакат учун ҳали ҳам ҳамкорлик майдонлари мавжуд. Хитой АҚШни ўзгартириб унинг ўрнини элалашга интилаётгани йук. Худди шундай АҚШ ҳам 1.4 млрд. халқи бўлган Хитойнинг янгиланиш йўлидаги интилишларини ўзгартира олмайди. Баъзи бир сиёсий кучлар томонидан, тарихий жараёнларга зид бўлган, орамизга раҳна солиш каби уринишлар, яна “янги совуқ уруш” сари йўналишга олиб келади. Хитой узоқ йиллар давомида машаққат билан қўлга киритган ўзининг суверенитети, территория бутунлиги, қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилади. Турли ижтимоий тузум ва маданий анъаналарга эга бўлган ХХР ва АҚШ, тинч ва ўзаро фойдали ривожланиш йўлини топишлари лозим,- дейилади.

**Пандемиядан кейинги дунё глобаллашуви** ҳақида эса, жамият тарақий этиб, инсоният тарихи олдинга қараб ривожланиш билан бирга, инсонлар ҳаётдаги қийинчиликларда тобланиб борадилар. Глобал иқтисодиёт улкан уммонга ўхшайди, уни денгизларга ажратиб бўлмайди. Протекционистик қарашлар бугунги кун талабига мос эмас. Хеч бир мамлакат алоҳида падемияни енгиб бўлмаслигини ҳаётнинг ўзи кўрсатди. Бундай шароитда мамлакатларнинг бир-бирини айблашлари умуман ҳақиқатга тўғри келмайди. Хитой тажрибасида кўра, мамлакат коронавирус билан боғлиқ эпидемиядан кучли, халқи эса янада жипслашган шароитда чиқиб келмоқда. Хитой халқи бошига тушган кулфат чоғида ёрдам қўлини чўзганларни ҳеч қачон унутмайди ва бошқаларга ҳам ёрдамини аямайди. † Баъзи бировлар Хитойнинг ёрдамини ғаразли мақсад билан боғлашга уринмоқдалар. Хитой ҳеч қачон геосиёсий манфаатларни ўз олдиға мақсад қилиб қўймайди. Ўз ёрдамини эса сиёсий шартларсиз беғараз амалға оширади.

Хитойнинг бугунги ягона мақсади пандемия шароитида инсонлар ҳаётини максимал равишда сақлаб қолиш бўлиб, барчаға маълумки, ягона бир мамлакатда эпидемиянинг олдини олиш уни енгиш дегани эмас, балки барча мамлакатларда вирусни тўлиқ йўқотиш орқалигина ҳақиқий ютуқни қўлга киритиш мумкин. Бу ерда Хитой дунёни қутқазувчи эмас, балки қийин пайтда ёрдам қўлини чўзувчи ишончли ҳамкор ролини бажаради, деган фикрлар илғари сурилади.

**Гонконг масаласида** эса, Сянган Хитойнинг ички ишларига тегишли бўлган масаласидир. Ташқаридан ҳеч кимнинг аралашувига йул қуйилмайди. Ўзға давлатлар ички ишларига аралашмаслик халқаро муносабатлар

нормаларига кирган бўлиб, барча давлатлар унга риоя қилишлари лозим. Миллий ҳавфсизлик масалалари бу марказий ҳукуматнинг ваколатидаги вазифа бўлиб, давлат суверенитети назариясининг асосий принципи ҳисобланиб, амалиётда ҳам кенг қўлланилиб келинмоқда. Шунинг учун Сянганда ҳукукий тизим ва унинг маҳанизмларини яратиш ва уни янада такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Ушбу қонуний жараён Сянган қонуний тизимини такомиллаштириб, ижтимоий барқарорликни таъминлайди. Бизнес муҳитни яхшилаб, “Бир давлат - икки тузум” принцига риоя қилган ҳолда унинг бугунги кундаги молия, савдо ва денгиз транспорти маркази статусини сақлаб қолади, - дейилади.

Вируснинг келиб чиқиш манбаини ўрганиш борасида, Хитой билан АҚШ ўртасидаги жиддий қарама-қаршиликлардан бири бу янги типдаги коронавируснинг келиб чиқиш манбаини аниқлаш билан боғлиқ бўлиб, бу борада Хитой вируснинг келиб чиқишига илмий ёндашув асосида қараш лозимлиги, унда ҳар хил ҳиссиётлар ва асоссиз фаразларга берилмаслик керак. Бу борада халқаро ҳамкорликда олимлар гуруҳини жалб қилган ҳолда коронивирუსнинг келиб чиқишини илмий-тадқиқот асосида ўрганиш муҳимлигини айтиб, объектив ва конструктив ёндашув асосида иш олиб борилиши лозим. Унда сиёсий манфаатга эмас, тенглик ва очиклик асосида объективлик муҳим аҳамият касб этишлиги алоҳида уқтириб ўтилади.

†Муҳокама қилинган масалалардан яна Хитойнинг бошқа ташкилотлар ва мамлакатлар билан муносабатига алоҳида тўхтаб ўтилган. Шундай масалалардан бири бу ЕИ билан стратегик ҳамкорликни ҳар томонлама риворжлантириш ва сиёсий-идеологик рақобат га берилмаслик масаласидир. Антогонистик қарашлардан воз кечиб пандемияга қарши ҳамкорликда кураш лозим дейди.

Бу борада Хитойнинг Жанубий Корея ва Япония билан биргаликдаги пандемияга қарши кураши инсоният бошига тушган кулфат пайтида биргаликда унга қарши курашиш йўлидаги намунавий ҳамкорлик деб кўрсатилади. Шу тариқа Шарқий Осиё минтақаси иқтисодий тараққиётини таъминлаш ҳамда минтақа ва глобал тараққиётда Шарқнинг кучи ва донолигини намоён этишдан иборат деб ҳисоблайди. Баъзи бир давлатлар ва гуруҳлар томонидан **Хитойга нисбатан айблов**нинг эълон қилиниши ҳақида Хитой баёнот бериб, айбловнинг ҳеч қанақа ҳукукий ва фактик асоси йўқлиги ҳамда илгарилари ўхшаш воқеалик содир бўлмаганлигини важ қилиб кўрсатади. Хитой ўзининг айбсизлигини янги “**三无产品**” (Учта йўқлик) ибораси билан ифода этади. Хитойнинг ўзи ҳам мазкур

эпидемиядан азият чеккан бўлса ҳам унга қарши билдирилаётган айбловлар ва компенсация тўлаш лозим деган фикрларнинг асоссиз эканлигини айтади. Хитой бу даъвони асоссиз ва халқаро ҳуқуқ нормаларига зид бўлган ҳақиқатдан ўта йироқ деб билади. Бугунги дунё юз йил олдинги дунё эмас, Хитой ҳам юз йил олдинги давлат эмаслигини алоҳида уқтириб, кимки Хитойга шундай асоссиз даъво қилса ўзларини шарманда қилишлари турган гап эканлиги айтилади.

**XXРнинг ташқи дипломатиясида** эпидемия сабаб халқаро алоқалар вақтинча тўхтатилиб, халқаро дипломатиянинг янги модели ”Булут дипломатия” сига ўтилаётганлиги ҳақида гап кетади. Коронавирусга қарши кураш борасида Хитой янги ҳамкорлик йўлини олдинга суриб, ўз олдида 5 та муҳим вазифа қуяди.

**Африка халқларига ёрдам қўлини чўзиш.** Икки – уч йил аввал Эболага қарши курашилган эди. Энди эса биргаликда COVID га қарши курашимокда. Унда G 20 гуруҳи мамлакатларининг камбағал мамлакатлар учун кредит туловлари муддатини узайтириш, ҳамда баъзилар учун иккитомонлама келишув асосида қўшимча ёрдам кўрсатиш лозим. Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан ўтказилган учрашувда энг кабағал 25 та мамлакатга тўлов шартларини узайтириш ва енгиллаштириш масаласи қўйилган эди. Хитой эса эпидемиядан азият чекаётган Африка давлатларива ривожланаётган мамлакатлар учун 2 млрд. АҚШ дол. ажратишга розилик билдирган эди. Бу борада Хитой ижтимоий фанлар академияси проф. Тан Сяояннинг фикрича: “Ушбу ёрдам қарзлардан кечиб юбориши эмас, балки мамлакатларнинг тезроқ тикланишлари учун ёрдам деб билишлари керак” - дейилади.

Шунингдек мазкур сиёсий тадбирда нафақат мамлакат ичкарасида юзага келган ижтимоий-сиёсий вазият, балки Хитойнинг халқаро муносаблардаги ўрни масаласига ҳам кенг эътибор қаратилган. Унда Хитойнинг ЕИ ва Россия билан алоқалари, Хитойнинг Халқаро соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликни янада ривожлантириш масалалари, “Бир йўл ва бир макон” лойихаси доирасида ҳамкорликни давом эттириш, Корея ярим оролида тинчлик ва барқарорлик ўрнатиш, АСЕАН мамлакатлари билан яқиндан ҳамкорликни янада жадаллаштириш масалалари, Тайван муоммоси, Жанубий Хитой денгизидаги вазият ва Афғонистон масаласи доирасидаги муҳокамалар кенг ўрин ўрин олган.